Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317079

3-Sho‘ba

ИҚТИСОДИЁТНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович
Андижон машинасозлик институти
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди,
E-mail: axunov@gmail.com
Phone: +998972736877

Аннотация: Бугунги кунда ёш авлоднинг таълим-тарбияси жамиятимиз тараққиётининг долзарб бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади. Келажагимиз эгаларини замонавий дунёвий билимларни эгаллашлари орқали касб ҳунарга ўргатиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик руҳида тарбиялаш билан бирга маънавий етук инсонлар бўлишлари учун шарт – шароитлар яратиш зарурияти кучайиб бормоқда. Янги Ўзбекистонда тайёрланган ҳар бир мутахассис, ҳар бир касб эгаси маънавиятли, ахлоқли, ватанпарвар, яхши хулқ-атвор эгаси бўлиши керак. Шу мақсадда юртимизда олиб борилаётган ва амалга оширилаётган ишларни мукаммаллаштириш ва юксалтириш тўғрисида фикр мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, математик моделлаштириш, иқтисодий жадвал, иқтисодий моделлар, кибернетика.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида ўтказилаётган ислоҳотларни белгилашни тўғри ташкил қилишда турли иқтисодий моделлар, жумладан, иқтисодий математик моделларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Илмий ҳаётда машҳур инглиз иқтисодчиси Вилям Петти яшаган XVII асрдан бошлаб иқтисодиёт назарияси фанида статистик-математик методлари қўлланила бошланди. 1758 йилда эса Франция иқтисодиётини статистик материалларини иқтисодий математик усулида таҳлил қилиб ўрганган Франсуа Кене ўзининг “Иқтисодий жадвал”ини яратди

XX асрнинг ўрталарида Н.Винернинг “Кибернетика” китобининг дунёга келиши ўтган асрнинг 60-йилларида иқтисодий кибернетика фани яратилишига туртки бўлди. Иқтисодий моделлар яратилишида математик ва статистик усуллар орқали келгуси ислоҳотлар жараёнини программалаштириш ва режаларни белгилаш амалиёти кенг қўлланила бошланди. Ўрганилаётган иқтисодий жараён ҳамда объектив математик боғланишлар ва нисбатлар шаклида формаллаштирилган тавсифлаш турлари иқтисодий математик моделлар деб атала бошланди. Бундай моделлар бир неча кўринишларда бўлиб, улардан асосийлари матрица

Published: 28.03.2024

Cite this article: Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович (2024). Иқтисодиётни математик моделлаштиришнинг рақамли иқтисодиётдаги аҳамияти. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317079

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

моделлари, прогноз ёки режалаштириш моделлари ҳамда миқдорий тавсифлаш имконини берувчи иқтисодий статистик моделлардир.

Иқтисодиётни математик моделлаштириш мавжуд иқтисодиёт билан бир вақтда бўлғуси иқтисодиётнинг моделларини тузиш ва анализ қилиш муҳимдир, чунки иқтисодиёт динамик жараёндир. Бунда энг аввало, иқтисодий жараённи олдиндан таҳлил қилиш, шу асосда математик моделини ишлаб чиқиш, тузилган моделни муҳокамадан ўтказиш ва чуқур ўрганиб, зарурий ҳолатларда ўзгартиришлар киритиб уни якуний ҳолда расмийлаштириш керак бўлади. Математик моделларда харфлар, рақамлар, математик белгилар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари бўлган формулалар, тенгламалар, тенгсизликлар орқали иқтисодий жараёнлар таҳлил қилинади.

Иқтисодий жараёнларнинг иқтисодий математик моделлари иқтисодий назариялар ва объектив қонуниятлар асосида яратилишини, реал иқтисодиётнинг мақсади, функциялари, структуравий ўзгаришларини ўзида намоён этишни ҳамда математик ечимга эга бўлишни талаб этади. Иқтисодий-математик моделларни яратишда иқтисодий нормативларнинг, яъни халқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларига, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга нисбатан ижтимоий талабларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўрнини алоҳида айтиб ўтиш керак. Шу билан биргаликда, иқтисодий-математик моделларини яратишда иқтисодиётнинг моддий ва технологик жиҳатлари тўғрисидаги информациялар аниқ характерга эга бўлган бир вазиятда жараён содир бўлишга таъсир қилувчи табиий ва ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчанлигини ҳам эътиборга олмоқ зарурдир. Бозор муносабатлари шароитида эса рақобат ҳамда нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида шаклланиши иқтисодиёт тараққиётига доимо ўз таъсирини кўрсатиб туради.

Рақамли иқтисодиёт муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий математик моделларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодиётинингнинг тез суръатлар билан ривожланишида аҳамияти каттадир. Бунда иқтисодий математик моделларни яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш мақсадга тўғри келади. Янгиланаётган Ўзбекистонда олий ўқув юртларида замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Лекин шу билан бирга унинг натижасида баъзи бир муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Биз ана шу муаммоларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг асосий муаммоларидан бири ижтимоий муаммо ҳисобланади, чунки таълим соҳасини ахборотлаштириш

ва ўқитишда янги ахборот технологиялари (мультимедиа, анимация, Флаш-технология ва ҳакозо) воситалари энг аввал фойдаланувчининг танлаётган касбий йўналишлари, мутахасисликлари ва ҳакозо бошқа факторларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ахборот технологияларида кўпроқ оммалашган атамалардан фойдаланишга ва уларни ишлатишга эътибор берилмоқда. Булар технология, ахборот, компьютер, мультимедия, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва ҳакозо каби атамалардир. Бу тушунчалар ҳеч қачон фойдаланувчиларни компьютер ва ахборот технологияларига бўлган қизиқишини сусайтирмайди, чунки нафақат таълим соҳасида, балки барча соҳаларда кенг қўлланилаётган тушунчалар ҳисобланади.

Компьютер ва ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланишда, албатта уларнинг натижаси тушунарлироқ, аниқроқ ва самаралироқ бўлиши лозим[1. 3-б.]. Бизга маълумки, хар қандай таълим жараёни доимо маълум бир ўқитиш услубиятига, яъни методикасига таянади. Бошқача айтганда методика-бу технология, ишлаб чиқариш жараёни эмас, балки ўқитиш жараёнидир. Технологик жараён эса олдиндан аниқланган ва кўрсатилган амаллар кетмакетлигидан иборат бўлиб, унинг бажарилиши натижасида қўйилган масалани ечиш усули танланади, ечими олинади ва таҳлил қилинади. Ана шунинг учун ҳам технологик жараён маълум бир жиҳатдан алгоритмга ўхшашдир.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида ўқитишнинг кўплаб замонавий технологияларидан фойдаланилмоқда. Ана шулардан бири мультимедиа технологиясидир. Мультимедиа бу- аниқ бир маҳсулот сифатида мужассамлашган график, аудиомусиқа, видео-расмлар, ахборотлар, анимациялардан иборат бўлиб, унда фойдаланувчи учун тескари мулоқотнинг ҳам имконияти мавжуддир. Педагоглар математика ўқитиш жараёнида янги ахборот ва телекоммуникацион воситаларни мукаммал татбиқ қилишлари учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- ўқитиш жараёни ўқитувчи учун жуда қулай ахборот ва компьютер технологиялари воситалари билан таъминланилиши (замонавий компьютер, мультимедиа, факс-модем, сканер, электрон доска, Интернет тармоғи);
- ўқитувчи учун нафақат компьютернинг ишлаш тезлиги, балки унинг мулоқот воситасининг енгиллиги ва қулайлиги муҳим, яъни ўқитувчи ўзининг фанлари учун компьютерни танлаш ва бесамара ишлатишда қимматли вақтини сарфламаслиги;
- ўқитувчига компьютерларни қўллашда методик синовдан ва тажрибадан ўтган замонавий ўқитиш моделларини тавсия этиш лозим;

-ҳар бир ўқитувчи учун малакасини ошириш имкониятини таъминлаш зарур, яъни янги ахборот технологиялар воситалари билан танишиш ва амалда уларнинг жиҳозларининг қўлланилиш афзалликларини ўрганиш.
Замонавий рақамли иқтисодиёт –бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш бўлиб, қуйидаги қулайликларга эга:
-тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).
-товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
-рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
-истеъмолчи фикрини тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади. -тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Тажриба кўрсатиб турибдики, рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда аввало шу соҳага керакли кадрлар масаласини, уларни тайёрлайдиган таълим соҳасига эътиборни қаратишни таклиф қилган ҳолда, қуйидагича хулоса килиш мумкин: -рақамли иқтисодиёт тўғрисида замонавий илмий ва амалий асарлар яратиш -замонавий рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил қилиш механизмларини ишлаб чиқиш -юқори малакали дастурчилар ва соҳа мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйиш -рақамли иқтисодиёт соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республика иқтисодиётига татбиқ қилиш -электрон платформали технологиялардан фойдаланган холда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига миллий тизимлар яратиш Юқорида айтиб ўтилган фикр ва ғояларга асосан шуни айтишимиз мумкинки, ушбу билдирилган таклифлар рақамли трансформацияга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларнинг бартараф этилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Концепция информатизации образования. Информатика и образование. М., 1990, N1. Стр. 3.

2. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001
3. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
4. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b 4. Negroponte N. Being Digital. New York: Alfred A. Knopf, 1995. 272 p.

ПУЛ ИСЛОХОТЛАРИДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИ

Юлдашев Фарходбек Абдумуталибович
ТДИУ, Андижон факултети “Мутахассислик фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида эришилган ютуқлар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича айрим фикр ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Инфляция, таргетлаш, Марказий банк, пул-кредит сисати, молия бозори, валюта курси, нарх.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили - инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877-сон Фармонига асосан қатор хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бунга кўра концепция, чора-тадбирлар режаси, йўл харитаси ва бошқалар амалда кучга кирди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Бунда марказий банкнинг пул-кредит бозоридаги фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг